



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ МЕЪЁРЛАРИ,
ҚОИДАЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ (СанҚМ)

ОШ ТУЗИНИНГ СИФАТИ ВА
ҲАВФСИЗЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ САНИТАРИЯ
ҚОИДА - ТАРТИБЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАР

СанҚМ № 0085-98

Расмий нашр

ТАШКЕНТ - 1999 год

Тузувчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
Вазирлиги тасарруфидаги санитария, гигиена ва
касб касалликлари илмий-тадқиқот институти
(тиббиёт фанлари доктори, проф.Бобохўжаев
Н.Қ.) ва ЎзРес ФА умумий ва неорганик кимё
институти (илмий ҳодим Искандарова Г.Т.)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ МЕЪЁРЛАРИ ҚОИДАЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ (СанҚМ)

ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси
Бош давлат санитария ва
Соғлиқни сақлаш Вазирлиги
Б.И.Ниёзматов

1998 й.

ОШ ТУЗИНИНГ СИФАТИ ВА ҲАВФСИЗЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ САНИТАРИЯ ҚОИДА - ТАРТИБЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАР

СанҚМ № 0085-98

Мазкур СанҚМ Ўзбекистон Республикаси
аҳолисининг соғлиғини муҳофаза этиш мақсадида жорий
этилади.

Хужжатта амал қилиш озиқ-овқат хомашёси ва
маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, уларни аҳоли
истеъмолига етказувчи, тегишли меъёр-техник
хужжатларни тайёрловчи муассасалар ва ташкилотлар,
соғлиқни сақлаш вазирлигининг озиқ-овқат хомашёси ва
маҳсулотларининг сифати ҳамда ҳавфсизлигини белгиловчи
хужжатларни-сертификатларни тайёрлашда иштирок
этувчи илмий ва амалий ташкилотлари ва аҳолининг
овқатланиш ҳолати юзасидан Давлат санитария назорати
олиб берувчи санитария-эпидемиология хизмати
тармоқлари учун мажбурийдир.

СанҚМ, мулкдорчиликнинг турларидан қатъий
назар, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан
тўла-тўқис амалга оширилиши шарт.

Расмий нашр

Қайта нашр этиш таъқиқланади

УМУМИЙ МАЗМУН

1. Ош тузи ўтамуҳим озиқ-овқат маҳсулотлари қаторидан ўрин эгаллаган бўлиб, ўзининг махсус биологик ва физиологик хусусиятлари туфайли инсон аъзойи-бадани фаолиятида катта роль ўйнайди. Шунга кўра, у кишининг кундалик озиқ-овқат истеъмолида доимо маълум миқдорда бўлиши лозим.

2. Киши истеъмолидаги ош тузининг сифати ва ҳавфсизлик кўрсаткичлари тегишли гигиеник меъёр хужжатларнинг талабларига қониқарли жавоб бериши шарт.

3. Мазкур хужжат республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган ош тузининг сифати ва ҳавфсизлигини кафолатловчи санитария қоида-тартибларини ва гигиеник нормативларни (меъёрларни) ифодалайди.

4. Аҳолини гигиеник ва токсикологик нуқтايи назардан қониқтирувчи ош тузи билан таъминлашга оид бўлган барча тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида" Қонуни ҳамда жорийдаги тегишли расмий хужжатлар (санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиеник нормативлар, услубий хужжатлар ва бошқ.) асос бўлади.

5. Ош тузининг, унинг туридан қатъий назар, сифатли ва ҳавфсиз бўлиши кафолатланиши, яъни сертификацияланиши мажбурийдир.

6. Киши овқати таркибида истеъмолга мўлжалланган ош тузининг айрим тўплари (партиялари) қабул этилган тартибда текширувдан (экспертизадан) ўтказилади ва таҳлил

натижалари жорийдаги меъёрий (норматив) ҳужжатлар, стандартлар ва шу каби бошқа ҳужжатларнинг талаблари ва шарт-шароитлари билан таққосланиб, маҳсулот тўпига гигиеник сертификат берилади.

7. Фақат тегишли сертификат билан таъминланган маҳсулот сотишга (истеъмолга) руҳсат этилади.

8. Мазкур ҳужжатда келтирилган маълумотлар ош тузини ишлаб чиқарувчи, ташувчи, сақловчи, тарқатувчи (сотувчи), ишлатувчи барча юридик ва жисмоний шахслар фаолиятига тааллуқлидир.

9. Ҳужжатда қайд этилган қоида-тартиблар ва меъёрий талабларнинг бажарилиши юзасидан Давлат санитария назоратини уюштириш санитария-эпидемиология хизмати ташкилотларининг вазифасига киради.

10. Ҳужжат ош тузини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, тарқатиш (сотиш), ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча жисмоний ва юридик шахсларга, савдо, умумий овқатланиш, тегишли саноат корхоналари ва ташкилотларининг, вазирликлар ва соҳаларнинг ҳамда Давлат санитария назорати ходимларига етказилиши лозим.

11. Ҳужжат талабларига амал қилиш ва тегишли назорат кўрсатмаларини бажариш бўйича жавобгарлик айтилган ҳужжатнинг 8 ва 10-бандларида қайд этилган корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

12. Мазкур ҳужжат жорийдаги меъёр-техник ҳужжатлар, собиқ иттифоқ вақтида амалиётда қўлланган санитария қоида-тартиблари ва гигиеник нормативлар ҳамда

тегишли илмий адабиёт манбаларини таҳлил этиш натижалари асосида тузиди.

Ҳужжатнинг ишлаш муддати - тасдиқланган вақтдан бошлаб 5 йил.

Ҳужжат уч асосий қисмдан: ош тузининг турлари, сифати ва хавфсизлигини ифодаловчи маълумотлардан, туз ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятига оид санитария қоида-тартиблари тизимидан ва ош тузининг сифати ва шифобахшлигини ошириш мақсадида унинг таркибини айрим қўшимча кимёвий моддалар билан бойитишга боғлиқ тадбирлардан иборат.

1. СИФАТ ВА ҲАВФСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ

1.1. Ош тузи турлари

Ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш усулларига қараб туз қуйидаги турларга бўлинади:

- тошсимон туз - табиатан тоғ жисмларига ўхшаш туз қатламлари парчаланиб (портлатилиб, қўпориб, ковлаб, бўлаклаб, емириб, майдалаб ва бошқ.) олинади;
- чўкма туз - тагига тузи ўзича чўкадиган сув манбаларидан (шўр кўллардан) олинади;
- чўкинди туз - сувости туз чўкиндиси қатламларидан олинади (денгиз ва денгиз ўрфазларидан сунъий ҳовуз (бассейн) услуби билан);
- ишловланган туз - махсус қурилмаларда табиий ва сунъий сувларни (намоқопларни) қайнатиб-бўглаб ажратилган туз.

Сифати (нави)га қараб:

- экстра, олий, биринчи ва иккинчи навлар.

Сифати ва шифобахшлигини оширилишига қараб:

- қўшимчалар билан;
- қўшимчаларсиз.

Туйилган ош тузи бўлакчаларининг (заррачаларининг) катта-кичиклиги қуйидаги ўлчамларга мос келиши лозим - жадвал 1.

Ош тузининг турлари, навлари ва хилларини ифодаловчи маълумотлар 2-жадвал-тасвирда келтирилган.

1.2. Озиқавий (сифат, нав) кўрсаткичлар

Ош тузи қабул қилинган тартибда тасдиқланган ва амалиётта жорий этилган махсус меъёр (норматив) ва

технологик ҳужжатлар талабларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқарилади. Фақат тегиншли талабларга жавоб бераоладиган ош тузи истеъмолга руҳсат этилади.

Жадвал 1

Туйилган ош тузи кўрсаткичларига талаблар

Катта - кичиклиги	Меъёр
"Экстра" нав	
0.8 мм гача, %, кам эмас	75.0
0.8 мм дан 1.2 мм гача, %, кўп эмас	25.0
Олий ва биринчи нав:	
Тортилиш №0	
0.8 мм гача, %, кам эмас	70.0
1.2 мм дан юқори, %, кам эмас	10.0
Олий, биринчи ва иккинчи навлар:	
Тортилиш №1	
1.2 мм гача, %, кам эмас	85.0
2.5 мм дан юқори, %, кўп эмас	3.0
Тортилиш №2	
2.5 мм гача, %, кам эмас	90.0
4.5 мм дан юқори, %, кўп эмас	5.0
Тортилиш №3	
4.5 мм гача, %, кам эмас	85.0
4.5 мм дан юқори, %, кўп эмас	15.0

Жадвал-тасвир 2

Ош тузи

Тозасимон	Чўкма	Чўкинди	Ишловланган
олий биринчи иккинчи	олий биринчи иккинчи	олий биринчи иккинчи	экстра олий биринчи
Туйилган туз:	тортилиш	0 -	олий ва биринчи навлар
		1 2 3	олий, биринчи ва иккинчи навлар

1.2.1. *Органолептик хусусиятлар.* Ош тузининг органлептик хусусиятлари қуйидаги талаблар юзасидан қониқарли бўлиши керак (жадвал 3).

Жадвал 3

Ош тузининг органолептик хусусиятларига талаблар

Кўрсаткичлар	Туз нави				Иловалар
	экстра	олий	биринчи	иккинчи	
Ташқи кўриниши	Осон сочилувчи кристаллик маҳсулот. Тузнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлмаган қўшимчаларнинг бўлиши мўмкин эмас				1.Чўкма туз таркибида қорамтир заррача-арнинг бўлиши мумкин
Мазаси	Тузга хос мазали, бегона мазалар сезилмаслиги керак				(сувда эримайдиган қолдиқ миқдори меъёр даражасида бўлган тақдирда).
Ранги	Оқ		Оқ, қуйидаги тусланиш билан: кулранг, сарғил, қизғил, кўкимтир ва бошқ., тузнинг табиатан келиб чиқишига қараб		2.Йодланган тузда бироз йод ҳиди бўлиши рухсат этилади.
Ҳиди	Ҳидсиз бўлиши лозим				

1.2.2. *Физик-кимёвий кўрсаткичлар.* Кимёвий қўшимчалар қўшилмаган ош тузининг физик ва кимёвий кўрсаткичлари

4-жадвалда ифодаланган меъёрларга (нормативларга) мос келмоғи даркор.

Ош тузининг физик-кимёвий кўрсаткичларини ҳар чорақда (кварталда) лаборатория таҳлилидан ўтказиб туриш тавсия этилади.

Йодланган ош тузи таҳлил этилганда тегишли норматив ҳужжатга ва туз корхоналарига белгиланган санитария қоидаларига биноан тузда йод миқдори аниқланади.

Жадвал 4

Ош тузининг физик-кимёвий кўрсаткичларига меъёр талаблар

Кўрсаткичлар	Нав учун меъёр, қуруқ модда ҳисобидан			
	экстр а	олий	биринчи	иккинчи
Натрий хлориднинг улуш миқдори, %, кам эмас	99.70	98.40	97.70	97.00
Кальций-ионининг улуш миқдори, %, кўп эмас	0.02	0.35	0.50	0.65
Магний-ионининг улуш миқдори, %, кўп эмас	0.01	0.05	0.10	0.25
Сульфат-ионининг улуш миқдори, %, кўп эмас	0.16	0.80	1.20	1.50
Калий-ионининг улуш миқдори, %, кўп эмас (калий иони кўпилмаган туз учун)	0.02	0.10	0.10	0.20
Темир оксиди (III) нинг улуш миқдори, %, кўп эмас	0.005	0.005	0.01	0.01
Натрий сульфатнинг улуш миқдори, %, кўп эмас	0.20	меъёрланмайди		
Сувда эримайдиган моддаларнинг улуш миқдори, %, кўп эмас	0.03	0.16	0.45	0.85
Намликнинг улуш миқдори, %, кўп эмас:				
тошсимон туз учун	-	0.25	0.25	0.25
чўкма ва чўкинди туз учун	-	3.20	4.00	5.00
ишловланган туз учун	0.10	0.70	0.70	-
Эритма рНи	6.5- 8.0	меъёрланмайди		
И л о в а:	Туз турининг табиатан келиб чиқишига қараб айрим кўрсаткичларга, тегишли қоида-тартибларга риоя қилинган ҳолда, қисман ўзгаришлар киритиш мумкин.			

1.3. Токсикологик кўрсаткичлар

1.3.1. *Заҳарли моддалар.* Ош тузининг таркибида заҳарли моддаларнинг, чунончи оғир металллар тузлари (кўргошин, мис, кадмий, рух, симоб) ва маргимушнинг

миқдори қатъий чегараланади. Мазкур моддаларнинг ош тузи таркибидаги меъёр миқдорлари қуйидати жадвалда келтирилади (жадвал 5).

Жадвал 5

Ош тузи таркибида захарли моддаларнинг меъёр
миқдорлари

Захарли моддалар	Қўргошин	Кадмий	Симоб	Мис	Рух	Маргимуш
Меъёр миқдор, мг/кг, гача	2.0	0.1	0.01	1.0	10.0	1.0

Яъни, ош тузи таркибида жадвалда қайд этилган захарли моддалар миқдори бўйича расмий ҳужжат - СанҚМ №0060-96 "Озиқа хомашёси ва маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсзлигига оид тиббий-биологик талаблар, санитария меъёрлари ва гигиеник нормативлар" талабларига жавоб бериши лозим.

Ош тузининг таркибидаги захарли моддаларнинг лаборатория таҳлили ҳар ойда ўтказилиши тавсия этилади.

1.3.2. *Пестицидлар.* Ош тузи сув манбаларидан (тузли сувлардан) олинадиган турлари (чўкма туз, чўкинди туз ва ишловланган туз)нинг таркибида маълум миқдорда пестицидларнинг қолдиқ миқдори бўлиши мумкин.

Токсикологик-гигиеник нуқтаи назардан ош тузининг таркибида пестицидларнинг қолдиқ миқдорларини бўлиши руҳсат этилмайди.

1.3.3. *Биологик текширишлар.* Биологик текширишлар озиқ-овқат маҳсулотларини кимёвий-токсикологик таҳлилининг натижаларига аниқлик киритувчи ва

токсикологик кўрсаткичларни объектив равишда тўлдирувчи биологик тест бўлиб ҳисобланади.

Биологик текширишлар умумий қабул қилинган услуб билан лаборатория (виварий) шароитида экспериментал ҳайвончалар (сичқонлар, оқ каламушлар) да ўтказилади.

Ош тузи биологик текширишларнинг натижалари бўйича токсикологик хусусиятларга эга бўлмаслиги лозим.

Ҳавфсизлик кўрсаткичлари юзасидан ош тузи инсон аъзойи-баданига ҳавфли таъсир кўрсатмайдиган кимёвий бирикма бўлиб, ГОСТ 12.1.007-76 "Иш хавфсизлигининг стандартлар тизими (ИХСТ). Зарарли моддалар. Тасниф ва ҳавфсизлик бўйича умумий талаблар" га биноан IV гуруҳ, яъни ҳавфлилиги кам даражада бўлган моддаларга киради.

Ош тузининг (натрий хлориднинг) кукунсимон заррачалари тери сатҳида мавжуд бўлган жароҳатларнинг битишини секинлаштиради. Соғлом терига ош тузи салбий таъсир кўрсатмайди.

1.4. Радиологик кўрсаткичлар

1.4.1. Радиологик фаол моддалар ишлаб чиқарувчи корхоналар чегарасига яқин жойлашган туз конларининг маҳсулотини таҳлил этиш дастурига радиологик текширишлар ҳам киради.

1.4.2. Ош тузининг радиологик кўрсаткичлари СанҚМ №0060-96 "Озиқа хомашёси ва маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигига оид тиббий-биологик талаблар, санитария меъёрлари ва гигиеник нормативлари" ва СанҚМ №0047-95

(радиологик ҳавфсизлиги меъёрлари) талабларига жавоб бериши лозим.

1.5.Хулоса ва таклифлар

Мазкур хужжатнинг 1.1; 1.2; 1.3 ва 1.4 бандларида келтирилган туз кўрсаткичларини таҳлил этиш натижалари асосида ош тузининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида аниқ хулоса ва таклифлар тузиб чиқилади.

2. ТУЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН САНИТАРИЯ ҚОИДА-ТАРТИБЛАРИ

2.1.Санитария қоидаларини қўллаш жабҳалари ва тартиблари

2.1.1. Мазкур санитария қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган туз ишлаб чиқарувчи корхоналар (қайта ва янги қурилаётганлари) фаолиятига тегишлидир. Хужжат тошсимон, чўкма, чўкинди ва ишловланган туз ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қурилишига, жиҳозланишига ва тартиб-озодалигига ҳамда ош тузини ишлаб чиқариш жароёнига, йодлашга, ташишга, сақлашга ва тарқатишга (сотишга) оид тадбирларга ҳам тааллуқлидир.

2.1.2.Ишлаб турган корхоналарда лойиҳалаш, қурилиш, қайта қуриш ишларини олиб бориш жойлардаги Давлат санитария ҳизмати билан тегишли равишда келишилгандан сўнг жорийдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мос ҳолда уюштирилиши лозим.

2.1.3.Янги қурилган ёки тубдан (капитал) таъмирланган ва жиҳозланган туз корхоналарини ишга тушириш

жойлардаги Давлат санитария назоратининг руҳсатномасидан сўнг амалга оширилади.

2.2. Корхона саҳнига (территориясига) санитария талаблари

2.2.1. Туз корхоналарининг саҳни энг яқин турар жойларга нисбатан асосий шамол йўналишларига тескари ҳолда жойлашиши лозим.

2.2.2. Туз корхоналарининг саҳни тўсиқ қурилмалар воситасида ажратилган бўлиши ва унга махсус руҳсатномасиз бегона кишиларнинг кириши ман этилиши даркор.

2.2.3. Корхонанинг саҳни - майдони муайян тартибли, ободон бўлиши, баланд-паст, чуқурлик ва ботқоқлик жойларнинг бўлмаслиги, ҳовли сатҳи асфальтлаштирилган ёки тош ётқизилган, кўкаламлаштирилган, гулзорлаштирилган бўлиши лозим; цехлар, хўжалик ва ёрдамчи бўлимлар орасида шағал ёки асфальт ётқизилган йўлчаларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ.

2.2.4. Туз манбалари, туз қайнатувчи ва туз майдаловчи каби корхона бўлимлари 100 м дан кам бўлмаган санитария-муҳофаза чегараларига эга бўлмоқлари лозим.

2.2.5. Тузли сувларни қайнатиб-буглатиб туз оловчи корхоналарда тегишли ерости тузли сувларни олиш учун мўлжалланган қудуқлар, шахталар, тузли сувларни йиғувчи қурилмалар тоза, ифлосланмайдиган жойларда қурилади. Улар учун 30-50 м ли қатъий тартиб чегаралар, кенглиги 250 м бўлган чегараловчи масофа белгиланади. Ҳар бир конкрет ҳолатда санитария-муҳофаза чегарасининг иккинчи қисмига оид масофа асосланган бўлиши лозим.

2.2.6.Кўл ва денгиз ҳовузларида қурилган туз корхоналари атрофида санитария-муҳофаза чегараларининг бўлиши назарда тутилади; бу чегараларнинг кенглиги жойлардаги Давлат санитария назорат хизматининг ташкилотлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

2.2.7.Санитария-муҳофаза чегараларида мол боқиш ва ерни чопиш билан боғлиқ ишларни олиб бориш, саноат ёки турар-жой биноларини қуриш руҳсат этилмайди; табиий кўк ўт қатлами сақланиши даркор; ўт ўриш ишлари корхона раҳбарининг руҳсати билан амалга оширилади.

2.2.8.Қуруқ ахлат ва чиқиндиларни вақтинча йиғиш учун корхона ҳовлисида етарли миқдорда қопқоқ билан таъминланган ва тўлганда осон тозалаш мумкин бўлган ахлат идишлари бўлиши даркор; бу идишларни бир кун давомида камида бир марта тозалаб туриш тавсия этилади. Ахлат идишлари ўрнатилган жойлар асфальтланган ёки цементланган ва тўсилган бўлиши, ахлатни ташқарига чиқариш учун махсус транспорт воситалари ажратилиши лозим.

2.2.9.Ахлат идишлари тозаланганда (бўшаганда) мунтазам равишда 10% ли хлорли оҳак эритмаси билан дезинфекцияланади. (1 челақ сувга 1 кг хлорли оҳак солинади).

2.2.10.Корхонада йиғилиб қолган ахлат ва чиқиндилар жойлардаги Давлат санитария назорати кўрсатмалари бўйича махсус жойларга олиб чиқиб ташланиши даркор.

2.2.11.Ахлатни йиғиш учун мўлжалланган идиш-анжомлар (челак, супурги, шечеткалар, белкураклар ва бошқ.) тамғаланган (белгиланган) бўлишлари ва махсус ажратилган жойларда сақланиши лозим.

2.3. Сув таъминоти ва канализация

2.3.1.Барча туз корхоналарида ичимлик ва хўжалик ишларига ишлатиладиган сув эҳтиёжи стандарт талабларига жавоб берадиган даражада бўлиши даркор.

2.3.2.Корхонанинг барча бўлимлари (цехлар, ёрдамчи корхоналар, омборхоналар ва бошқ.) етарли миқдорда газланган ёки қайнатиб-совутилган сув билан таъминланиши лозим, бунинг учун сув фонтанчалари қурилади ёки ёпиқ сув идишлари ўрнатилади.

2.3.3.Корхона хоналарини тозалаш-йиғиштириш учун сарф бўладиган сувнинг меъёр миқдори жорийдаги кўрсатмалар бўйича белгиланади.

2.3.4.Корхонанинг ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цехлари, тегишли кўрсатмалар асосида, канализация, иссиқ ва совуқ сув, душхоналар, туалетлар билан таъминланган бўлиши лозим.

2.3.5.Ҳовлида туалет қуриш руҳсат этилади. Туалет корхонанинг ишлаб чиқариш бўлимлари ва омборхонадан камида 50 м масофада қурилиши, унга олиб борадиган йўлаклар қулай ва қуруқ бўлиши, кечаси ёритилиши лозим. Чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаш имкониятига эга бўлмаган дала туалетларини қуриш ман этилади.

2.3.6. Туз қудуқларидаги вақтинчалик ёки доимий (стационар) туалетлар ташқарига осон йўналадиган ҳаво шароитига эга бўлган махсус хоначаларда (камераларда) ўрнатилади.

2.3.7. Шўр сувли кўлларда туз олиш учун мўлжалланган ҳаракатчан комбайналарда ва кўлнинг бошқа жойларида ишловчи ҳодимлар учун кўчма туалетлар ўрнатилади. Бу туалетларда инсон чиқиндиларининг ташқи муҳитга чиқиб кетмаслигига мўлжалланган тегишли чора-тадбирлар назарда тутилиши лозим. Ахлатларни йиғилиши учун мосланган идишларни алмаштириш ва чиқиндиларни кўл ёки қудуқлардан олиб чиқиб кетиш мунтазам равишда бир кунда камида бир марта уюштирилиши керак.

2.3.8. Туалетлар тоза ҳолатда бўлиши ва ҳар куни хлорли оҳакнинг 10% ли эритмаси билан дезинфекцияланиши лозим.

2.3.9. Корхонадаги водопровод ва ёпиқ канализациянинг қурилмалари жорийдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мос бўлиши, оқова сувларни туширадиган жойлар эса жойлардаги Давлат санитария назорати ташкилотлари билан келишилиши лозим.

2.4. Ёритишга санитария талаблари

2.4.1. Корхонанинг барча бўлимларида, маъмурий-хўжалик хоналарида ёритиш билан боғлиқ тадбирлар "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари"-ҚМҚ нинг "Табиий ва сунъий ёритиш" қисми талабларига жавоб бериши даркор.

2.4.2. Корхона ичкарасида ва ташқарисида ёриғлиқ тушадиган йўлларни ишлаб чиқариш ускуналари, тайёр

маҳсулот, турли идишлар ва бошкалар билан тўсиб қўйиш ман этилади.

2.4.3.Ойна ромларида синган ойна ўрнига дарҳол бутуни ўрнатилиши лозим, ойна ўрни ойнасимон материаллар, фанера, картон ва шу кабилар билан қопланиши мумкин эмас.

2.4.4.Ёриғлиқ манбаларининг ташқи сатҳи мунтазам равишда тозаланиб туриши лозим (камида 1 чоракда 1 маротаба).

2.4.5.Маҳсулот таркибига ойна парчалари аралашиб кетмаслиги учун электр лампаларини плафонлар билан қоплаш мақсадга мувофиқдир.

2.4.6.Маҳсулотта бегона бўлакларнинг тушишини олдини олиш мақсадида кўрсатма бўйича синган электр лампалари, плафонлари ва ойналарни ҳисобга олиб бориш тавсия этилади.

2.4.7.Ёритиш асбобларининг ҳолатини ва улардан тўғри фойдаланиш тадбирларини назорат қилиш тегишли мутахассис-техник ҳодим зиммасига юклатилади.

2.4.8.Очиқ ускуналарга яқин жойда (устида) ёритиш асбобларини ўрнатиш ман этилади.

2.4.9.Ишлаб чиқариш хоналарида иш жараёнлари ёки асбоб-ускуналар ўзгартирилса, ёритиш меъёрларига мос ҳолда тегишли ёритиш тадбирлари кўрилиши лозим.

2.5. Иситиш ва ҳаво алмашинуви (вентиляция) санитария талаблари

2.5.1. Корхона бўлимларида (хоналарида) ишлаб чиқариш микроиклимнинг шароитлари (ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг тезлиги) жорийидаги нормативларга (меъёрларга) мос бўлиши лозим.

2.5.2. Ишлаб чиқариш цехлари (технологик шароитларни назарда тутган ҳолда), тайёр маҳсулот омборхоналари ва бошқа ёрдамчи хоналар, ҚМҚ нинг иситиш, ҳаво алмашинуви (вентиляция) ва ҳавони кондиционерлаш тадбирларини лойиҳалаштиришга боғишланган қисмига мос ҳолда, табиий ва механик "ҳаво киритилиши ва тортиб олиниши" тизими билан таъминланиши лозим.

2.5.3. Технологик жароён вақтида чанг кўп тўпланадиган жойлар (тузни майдалашда, гумбурлатишда ва ташпишда) чангни тортиб оладиган қурилмалар билан мосланган бўлиши даркор. Технологик тадбирлар билан боғлиқ бўлган ифлос ҳаво ташқаридан тортиб олинадиган тоза ҳаво жойларини ифлосламаслиги керак.

2.5.4. Ҳар бир корхонада ҳаво алмашинувини таъминловчи асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби ва уларнинг умумий ҳолатини назорат этиш бўйича айни корхона томонидан тайёрланган кўрсатмаларга амал қилиш лозим. Бу тадбир тегишли техник маълумотга эга бўлган ҳодимлар зиммасига юклатилади.

2.5.5. Корхонанинг ишлаб чиқариш бўлимларида тўғри ҳаво алмаштиришни уюштиришни ифодалаган, чунончи, йилнинг ҳар хил фаслларида метеорологик шароитларни ва шамол йўналишларини назарда тутган батафсил кўрсатмалар бўлиши лозим.

2.5.6. Ишлаб чиқариш хоналарида шовқин даражаси ГОСТ 12.1.003-76 нормативларидан (меъёрларидан) ошмаслиги керак.

2.5.7. Хоналарни иситиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар осон тозаланадиган бўлишлари керак.

2.6. Ишлаб чиқариш хоналарига (бўлимларига) санитария талаблари

2.6.1. Ташқи қопламларга ва сатҳ бўёқларига механик шикаст етмаслиги учун деворлар, устунлар, эшик кесаккилари якинида шикастловчи омилларни қайтарувчи бурчаклар, полга чегараловчилар ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

2.6.2. Ишлаб чиқариш хоналарини оқлаш ва бўяш бир йилда камида 1 марта амалга оширилади; ифлосланиб қолган шиплар, деворлар, бурчаклар дарҳол оқланиши ёки бўялиши даркор. Моғол босган деворлар ва шиплар оқлашдан олдин Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан озиқ-овқат корхоналарида ишлатиш учун руҳсат этилган микоцид - антисептик препаратлари билан ишланади.

2.6.3. Сувоғи тушган жойлар, маҳсулот таркибида бегона нарсаларнинг тушиб қолишига йўл қўймасликни назарда тутган ҳолда, дарҳол сувалиши, оқланиши ва бўялиши даркор.

2.6.4.Ишлаб чиқариш хоналарининг панеллари ҳар куни совун-ишхор эритмасида ҳўлланган шчетка (латта) билан артилади, бир ҳафтада камида 1 марта совун аралаштирилган иссиқ сув билан ювилади.

2.6.5.Барча ишлаб чиқариш хоналарининг поллари дарзсиз, сувни ўтказмайдиган, осон ювиладиган ва тозаланадиган, зинапоя томонга қиялашган бўлиши, яъни ҚМҚ нинг полларни лойиҳалаштириш қисмида келтирилган талабларга жавоб бериши даркор.

2.6.6.Ишлаб чиқариш хоналарининг эшиклари ҳар куни совун аралаштирилган иссиқ сув ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан озиқ-овқат корхоналарида ишлатишга руҳсат этилган синтетик ювиш моддалари билан ювилади ва қуруқ ҳолатгача артилади. Айниқса эшик ушлагичлари ва эшикнинг пастки қисмлари яхшилаб тозаланади. Ташқи эшиклар вақти-вақтида ювилиб турилади (1 ҳафтада камида 1 марта).

2.6.7.Нарвон суянчиклари ва эшикларнинг ушлагичлари 1 смена даврида камида 1 марта ювилиши керак. Зинапоялар нам полювгич билан супирилади ва 1 смена даврида камида 1 марта ювилади.

2.6.8.Полларни нам усул билан тозалаш ҳар ойда уюштирилиши лозим: дастлаб пол нам супирги билан супирилади, сўнгра ювиб, қуруқ ҳолатгача артилади.

2.6.9.Ишлаб чиқариш хоналарида ичкари ойналар мунтазам равишда тозаланиб туриши лозим (1 ҳафтада камида 1 марта).

2.6.10. Карнизлар, ойна остилари, иситиш ускуналари ва уларнинг атрофидаги бўш жойлар ҳар куни тозалаб турилади.

2.6.11. Панжаралар ва бошқа тўсиқларни, ҳаво алмашинуви бўшлиқларини ва йуллари (каналлари) ни вақти-вақтида тегишли ҳодимлар (электромонтерлар, слесарлар) тозалайдилар; бундай вақтда моторлар ва рубильниклар ўчириб қўйилиши керак.

2.6.12. Қадоқлаш, ўраб-жойлаштириш ва идишларга солиш цехларига кираверишда дезинфекцияловчи эритмалар билан ҳўлланган гламчалар ерга (полга) ташланган бўлиши лозим.

2.6.13. Ҳамма сменаларда ишлаб чиқариш хоналарини тозалаш ва тартибга келтириш тозаловчилар (уборшицалар), иш жойларини тозалаш эса корхона ҳодимлари вазифасига киради.

И л о в а: Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишларга тозаловчиларни жалб этиш таъқиқланади.

2.6.14. Тозаловчилар тозалаш-йиғиштириш учун лозим бўлган асбоб-анжомлар ҳамда ювиш ва тозалаш ашёлари билан таъминланган бўлишлари лозим. Ишлаб чиқариш хоналарини тозалаш учун ишлатиладиган ашё-анжомлар тамғаланган бўлишлари ва махсус шкафларда сақланишлари даркор, уларни бошқа мақсадларда ишлатиш ман этилади.

2.6.15. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналар ҳар вақт тоза ва тартибли бўлиши лозим. Цехларда смена алмашганда

хоналарнинг санитар ҳолати махсус дафтарларда ифодалиниши тавсия этилади.

2.6.16.Янги қабул қилинган ходимларга хоналарни йиғиштириб-тозалаш тўғрисидаги тушинтиришлар бригадир, мастер ёки смена муҳандиси вазифасига киради. Цехларда йиғиштириш-тозалаш тартиби ўрнатилган бўлиши лозим.

2.6.17.Бир ойда камида бир марта тўла-тўқис йиғиштириш - тозалаш ишлари уюштирилади.

2.7. Асбоб - ускуналарга санитария талаблари

2.7.1.Асбоб-ускуналарнинг сатҳи (юзаси) текис бўлиши ва осон тозаланиши ва дезинфекцияланиши мақсадга мувофиқдир.

2.7.2.Асбоб-ускуналарнинг маҳсулот тегадиган қисмлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг руҳсати билан озиқ-овқат машина - асбоб қурилиши ва саноатида ишлатиш мумкин бўлган материаллардан тайёрланган бўлиши шарт.

2.7.3.Асбоб-ускуналар ва механизмлар тўхтаб турган вақтда ва ишга туширилишдан олдин ифлослардан ва зангдан яхшилаб тозаланади. Асбоб-ускуналарни тозалаш мақсадида маълум миқдордаги тузни улардан ўтказалишини назарда тутиш мумкин, лекин бу туз фақат техник туз сифатида ишлатилиши лозим.

2.7.4.Туз ишлаб чиқариш корхоналарида ош тузини аралаштириш учун кўмир, оҳак, рудалар, бўёк ва бошқа кимёвий моддаларни юклашда ишлатиладиган транспортерлардан уларни яхшилаб тозаламасдан ёки транспортер тасмасини алмаштирмасдан фойдаланиш ман этилади.

2.7.5. Тузли сувларни қайнатиб-буглатиб туз оладиган корхоналарнинг махсус (чрени) агрегатлари ўрнатилган хоналари кўмир ҳазиналардан (кочегаркалардан) тўсиб қўйилиши лозим. Буглаш асбоб-ускуналари остида ёниш натижасида ҳосил бўладиган захарли моддаларни ташқарига чиқариб ташловчи қурилмалар ўрнатилиши керак.

2.7.6. Буглашда ишлатиладиган махсус асбоб-ускуналар (чренилар) тошлардан тозалангандан сўнг сув билан яхшилаб ювилади. Ажратилган тош дарҳол буглаш цехидан ташқарига, махсус омборга олиб бориб қўйилади.

2.7.7. Транспортер тасмалари уларга ёпишиб қолган моддаларни тозалашга мосланган ускуналар билан таъминланган бўлиши даркор.

2.7.8. Тузни майдалаш ва туюш учун мўлжалланган асбоблар имконияти борича тузни ташиш масофаси қисқа бўлган жойларда ўрнатилишлари мақсадга мувофиқдир.

2.7.9. Қадоқлаш цехлари тоза ҳолатда бўлиши даркор. Иш жароёни тугагандан сўнг барча асбоб-ускуналар чангдан ва бошқа ифлослардан яхшилаб ёпилиб қўйилиши лозим.

2.8. Технологик жароёнга санитария талаблари

2.8.1. Корхонада ош тузининг сифатини кафолатловчи технологик жароён ва махсус ўрамлар жорий этилиши лозим; улар ош тузига нисбатан жорийдаги белгиланган стандартлар талабига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлишлари керак.

2.8.2. Тузни ишлаб чиқариш жароёнида ош тузини маҳсулотни ифлосланиб қолишига сабаб бўлувчи машина

мойлари ва мойловчи моддалардан сақлаш даркор. Мойларни тегишли жойларда тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Асбоб-ускуналарнинг сельниклари нормал ҳолатда ва тегишли сақлагичларга эга бўлиши лозим.

2.8.3.Қўпориш усули билан олинадиган тошсимон туз таркибида мис симлари парчалари бўлмаслиги керак.

2.8.4.Тузни ўрамларга жойлаштириш вақтида туз таркибига елим ёки ўрама материалларининг парчаларини аралашиб қолишига йўл қўйилмайди.

2.8.5.Тузни металл парчалари билан ифлосаниб қолишига йўл қўймаслик учун қадоқловчи бункер олдида металл парчаларини ушлаб қолувчи электромагнитлар ўрнатилади. Магнитлар смена даврида камида 1 марта тозаланади. Магнитдан олинган материаллар лабораторияга ўтказилиб, махсус дафтарда рўйхатга олинади. Электромагнитларнинг юк кўтариш даражаси 12 кг дан кам бўлмаслиги, бу кўрсаткич 10 кунда 1 марта текширилиши, натижалар махсус дафтарда рўйхатга олиниши керак.

2.8.6.Полга тўкилган туз ва ускуналардан олинган супурмалар алоҳида йиғилади, агар имконияти бўлса, техник мақсадда ишлатилади.

2.8.7.Ош тузининг дўнгларида чиқиб қолиш лозимияти туғилса, ишчи ёки назоратчи ҳодим махсус оёқ кийими кийиши лозим. Дўнгларга тозаланмаган оёқ кийимида чиқиш руҳсат этилмайди.

2.8.8.Дўнглардан ош тузини олишда тузнинг юза ифлос қисми олинади ва у техник мақсадда фойдаланади.

2.8.9. Туз қўлда қадоқланган тақдирда:

- тузни коробка ёки қоғоз қопга солишдан олдин ҳодим туз таркибида бегона нарсаларнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиши лозим;

- коробка ёки қопча елимланаётган вақтда елимловчи материалнинг идиш ичига тушиб қолмаслигини назорат этиш керак;

- қадоқланган тузни тортиш учун ишлатиладиган тарози ва бошқа анжомлар тоза ҳолатда бўлиши, иш тамом бўлгандан кейин яхшилаб тозаланиши ва қуруқ латта билан артилиши даркор;

- иш тамом бўлгандан сўнг иш жойи тозаланиб, тартибга келтирилиши, тўкилган туз ва қолдиқ қоғоз парчалари супирилиши, қолган қадоқланган туз эса тоза материал билан ёпилиши лозим.

2.8.10. Тузни майдалаш, туюш, қадоқлаш ва ташиш билан боғлиқ бўлган барча жароёнлар механизацияланиши керак.

2.9. Тузни сақлаш ва ташишга санитария талаблари

2.9.1. Чўкма ва чўкинди ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналарда дўнглар учун мўлжалланган майдонлар жойлардаги Давлат санитария назорати ташкилотлари билан келишилган ҳолда белгиланади (ажратилади).

2.9.2. Майдонларда туз сақлаш ва ўлчаш учун қулай бўлган конус, кесик конус, пирамида ёки бошқа кўринишда йиғиб қўйилади.

2.9.3.Майдонлар ер сатҳидан камида 15 см юқориликда бўлишлари, туз қатламлари билан қаттиқ текислантиришлари ёки тахта доскалар воситасида (тирқишсиз) қопланишлари лозим.

2.9.4.Майдонлар баландлиги камида 15 см бўлган борт тўсиқларига эга бўлишлари ва 1 м масофада баландлиги 1 м бўлган ёғоч тўсиқлар билан тўсиб қўйилиши керак.

2.9.5.Тўсиқлар сув оқимларидан ва ифлосланишдан сақланган бўлиши даркор. Уларни сувнинг майдондан ташқари томонга оқизиб юбориш учун 1.5х30 см ли ариқчалар билан айлантириб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2.9.6.Туз тўпламлари юзасидаги қор, айниқса баҳор фаслида, доимо тозаланиб туриши даркор; қорни эриб туз юзасига тушишига йўл қўймаслик керак.

2.9.7.Ҳар бир туз тўпламга тўпламнинг тартиб рақами, тўпламдаги миқдори, туз сифатига жавобгар бригадирнинг, ҳисобчининг фамилияси ҳамда тўпламнинг бошланиш ва тугатиш вақти кўрсатилган паспорт тузилади. Паспорт туз тўпламининг юқорисига ўрнатилади.

2.9.8.Тўпламлар ёнига келиш жойи ва улар устига ўрнатилган нарвончалар ёғоч тахталардан ясалган бўлишлари ва улар майдон ва туз сатҳидан 10-15 см юқорида жойлаштирилиши лозим.

2.9.9.Туз тўпламларига яқин жойларда кўмир, оҳак ва бошқа тузни ифлосланиб қолишига сабаб бўлувчи моддаларни сақлаш мумкин эмас.

2.9.10.Омборхоналарда туз идишларда, ёғоч стеллажлар ёки тагликлар устида сақланади.

2.9.11.Омборхоналарда туз билан биргаликда уни ифлословчи моддалар ва нарсалар сақланмаслиги керак.

2.9.12.Омборхоналарда совун ва электрсочиқлар билан таъминланган қўлювгичлар бўлиши лозим. Омборхонага махсус санитария кийимларисиз кириш ман этилади.

2.9.13.Тузни ташиш учун бошқа мақсадларда фойдаланмайдиган махсус транспорт воситаларидан фойдаланиш керак.

2.9.14.Тузни ташиш учун белгиланган вагонлар, баржалар, кемалар, автотранспортлар транспорт ташкилотларининг озиқ-овқат маҳсулотларини ташишга мўлжалланган транспорт воситаларига белгиланган тартибларига мос бўлиши лозим.

2.9.15.Вагонлар ва бошқа транспорт воситалари ёпиладиган турда, таъмирланган, яхши ёпиладиган эшиклар ва туйнук (люк), билан таъминланган бўлиши керак. Жўнатилаётган туз тамғаланади.

2.9.16.Қора мол, парранда, ҳайвонат маҳсулотлари, кимёвий ва ҳид тарқатувчи моддалар ва бошқ. ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари фақат яхшилаб тозалангандан, сув билан ювилгандан ва дезинфекция қилингандан сўнг ва жойлардаги темир йўл ва кемасозлик ташкилотлари томонидан тегишли хужжат берилган тақдирдагина, ош тузини ташиш учун фойдаланишга руҳсат

этилади. Транспорт воситаларида дезинфекцияловчи моддаларнинг ҳиди сезилмаслиги лозим.

2.9.17. Ҳар бир юкланган вагон ва кемага махсус сертификат илова этилади. Сертификатда қуйидаги маълумотлар: туз нави, тортилиш рақами, намлик миқдори, натрий хлориднинг, КІ нинг, кальций, магний тузларининг, сульфат ионининг, темир оксидининг, натрий сульфатнинг, ишловланган тузда эса калийнинг кафолатланган миқдорлари ифодаланиши керак. Юкланган вагон ёки баржанинг тартиб рақами, юкланиш муддати, сифатни назоратловчининг ва туз конининг маҳсулотни қабул этувчи - тарқатувчи ходимининг фамилияси каби маълумотлар ҳам кўрсатилади.

2.9.18. Тузни юклаш - тушириш ишлари вақтида қопларга ва қогоз пакетларга солинган ош тузини ерга тахлаб жойлаштириш ман этилади, бунинг учун махсус майдончалардан (ёғоч, цементанган ёки асфальтлаштирилган) фойдаланиш даркор.

2.10. Маиший хоналарга санитария талаблари

2.10.1. Туз корхоналари саноат корхоналарида ёрдамчи бинолар ва хоналар қурилишига оид лойиҳалаштириш меъёрларига мос бўлган маиший хоналарга эга бўлишлари лозим.

2.10.2. Туалетларда ўрнатилган қўлювгичлар совун, сочиқ, хлорланган оҳакнинг 0.2% ли тиндирилган эритмаси билан таъминланган бўлишлари керак.

2.10.3. Унитазлар сув туширгич мосламалари билан таъминланган, туалетларда туалет қогозлари, туалетга

кираверишда оёқ остида оёқ кийимини дезинфекциялаш учун гиламчалар тўшалган бўлиши лозим.

2.10.4.Тоза ва ифлос кийимлар учун мўлжалланган хоналар алоҳида жойлашган, кийимларни қабул қилиш ва бериш учун оралиққа эга бўлишлари, алоҳида чиқиш жойлари бўлган ёнма-ён биноларда кийимхоналарни бўлиши руҳсат этилади. Тоза кийимлар махсус кийимлар шкафларида стеллажларда, ифлос кийимлар эса махсус ящикларда сақланади.

2.10.5.Туалетларда, душхоналарда, аёллар гигиенаси хоналарида, кийим ечиб- кийиладиган жойларда (гардероб-хоналарда) озодаликка катъий риоя этиш керак, йиғиштириш - тозалаш ишлари иссиқ сув ва хлорли оҳакнинг 2% ли эритмасидан фойдаланган ҳолда олиб борилиши лозим. Унитазлар, писсуарлар вақти-вақти билан сийдик кислоталари тузларининг чўкмаларидан хлорид кислота эритмаси билан тозалаб турилади.

2.10.6.Санитария иншоотларини тозалаш ва дезинфекциялаш учун алоҳида бўялган ва тамғаланган идиш анжомлар (пақир, куракчалар, лагта, шкеткалар ва бошқ.) бўлиши керак. Бу буюмлар махсус хоналарда алоҳида сақланади.

2.10.7.Ҳар бир корхонада дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган дорихоначалар (аптечкалар)нинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

2.11. Қурт-қумирсқа, ҳашоратлар ва кемирувчиларга қарши курашиш тадбирлари

2.11.1. Туз корхонасининг ишлаб чиқариш хоналарида ва омборхоналарида турли хил қурт-қумирсқа ва кемирувчиларнинг (пашша, суваракларнинг) бўлиши мумкин эмас.

2.11.2. Корхонанинг ишлаб чиқариш хоналарида ва омборхоналарида қурт-қумирсқа ва кемирувчиларнинг пайдо бўлишини олдини олиш учун қайд этилган санитария қоида-тартибларига қатъий риоя этиш лозим.

2.11.3. Қурт-қумирсқа, пашша, суварак ва кемирувчиларга қарши кураш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсаталарига биноан мунтазам равишда олиб борилиши керак.

2.12. Ҳодимларнинг шахсий гигиенасига талаблар

2.12.1. Туз ишлаб чиқариш корхонасининг ҳодимлари қуйидаги шахсий гигиена қоидаларига риоя этишлари лозим:

- ишга қабул қилинишдан олдин ва кейинчалик иш фаолияти даврида тегишли муддатларда тиббий кўрикдан ўтиб туриш; санитария назорати ташкилотларининг кўрсатмасига кўра белгиланган вақтда санитария минимуми дастури бўйича дарсларга қатнашиш, кўрсатилган муддатда имтиҳон топшириш;

- ишга тоза-кийим-бош ва пойабзалда келиш;

- устки кийим, бош кийим, калошлар ва шахсий буюмларни кийим ечиш-кийиш хонасида (гардеробхонада) қолдириш;

- ишдан олдин душ қабул қилиш, махсус кийимни кийиш, сочларни рўмол ёки қалпоқча остига йиғиб қўйиш, қўлларни ювиш; санитария кийимларини тўғноғич нина билан қадаб қўйиш, чўнтакларда сигаретлар, пул ва бошқа иш фарлиятига кераксиз буюмларни сақлаш, турли тақинчоқларни тақиш руҳсат этилмайди;

- туалетта боришдан олдин санитария кийимини махсус жойларда қолдириш; туалетдан чиққандан сўнг қўлларни совунлаб ювиш;

- махсус ажратилган хоналарда ва жойларда овқатланиш ва чекиш;

- иш фаолияти даврида ёки уйда шикастланган тақдирда, оилада юқумли касалликлар пайдо бўлса, бу ҳақда дарҳол маъмуриятни ҳабарлаш; лозим бўлганда тиббий пункт ёки поликлиникага тиббий ёрдам сўраб мурожаат этиш.

2.12.2. Корхонада таъмирлаш - курилиш ишлари билан банд бўлган слесарлар, электрчилар, монтажчилар қуйидагиларга риоя этишлари шарт:

1.12.2.1. - шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш;

1.12.2.2. - асбоблар ва эҳтиёт қисмларни махсус шкафларда сақлаш, уларни махсус ёпиқ ва ушлагичи бўлган қутиларда олиб юриш;

- иш фаолияти вақтида хомашёга, ярим фабрикатларга ва тайёр маҳсулотга бегона буюмлар ва нарсаларнинг тушмаслиги юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш.

2.13. Санитария қоидаларини амалга ошириш юзасидан маъмурият жавобгарлиги

2.13.1. Маъмурият қуйидагиларни таъминлаш ва уюштириш шарт:

- ҳар бир ҳодимга қабул қилинган нормативларга биноан санитария кийимлари ажратиш;

- санитария кийимини мунтазам равишда ювиш ва бутлаб туриш ва уларни ҳодимларга фақат иш вақтида бериш;

И л о в а: санитария кийимларини уй шароитларида шахсий тартибда ювиш қатъий ман этилади.

- тозаловчиларни етарли миқдорда тозалаш-ювиш анжомлари билан таъминлаш;

- ювиш ва дезинфекциялаш учун ишлатиладиган моддаларнинг етарли миқдорда бўлиши;

- мунтазам равишда дезинфекция ва дератизация тадбирларини уюштириш;

- ишга киришда асосий ишлаб чиқариш цехлари ва бўлимларининг ҳодимлари учун санитария минимуми дарсларини ва имтиҳонларини уюштириш, кейинчалик 2 йилда бир марта;

- тиббий кўрикдан ўтувчи ҳар бир ҳодим учун қабул қилинган намуна асосида тайёрланган шахсий тиббий дафтарчаларнинг етарли миқдорда бўлиши; тиббий кўрикни ҳисобга олиш ва унинг натижаларини ифодалаш учун поликлиникага ёки бошқа тиббиёт ташкилотларига 2 нусхада тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ҳодимларнинг

рўйхатини бериш; ходимларнинг ўз вақтида ва тартиб билан тиббий қуриқдан ўтиб туришларини назорат этиш;

2.13.3.Мазкур санитария қоидаларига амал қилиш ва корхонанинг санитария ҳолати юзасидан жавобгарлик директор зиммасига юкланади. Цехлар, бўлимлар ва участкалар бўйича санитария ҳолат учун айна бўлимларнинг раҳбарлари (цех ва смена бошлиқлари, смена муҳандиси, мастер, бригадир) жавобгардирлар. Омборхоналар, лабораториялар, сўхоналар ва ёрдамчи хоналарнинг санитария ҳолати юзасидан тегишли раҳбар ходимлар жавобгар ҳисобланадилар. Асбоб-ускуналар ва аппаратларнинг санитария ҳолати юзасидан ишчи ходимлар жавобгардирлар.

2.13.3.Корхонанинг ҳар бир ходими мазкур санитария қоидалари билан танишиб чиқиши шарт.

2.13.4.Ишга янги қабул қилинаётган ходимлар фақат айна санитария қоидалари билан танишиб чиққанларидан сўнг иш жароёнига киришиш учун руҳсат этиладилар.

3. ОШ ТУЗИНИНГ СИФАТИ ВА ШИФОБАХШЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР

3.1. Ош тузининг қотиб қолишини олдини олиш тадбирлари

3.1.1.Ош тузини ишлатувчи билан келишилган ҳолда туз корхонаси туз таркибига уни қотиб қолишининг олдини олиш мақсадида айрим озуқавий қўшимчалар қўшиб ишлаб чиқариши руҳсат этилади.

3.1.2.Қотишга қарши қўшимчалар қаторига Соғлиқни сақлаш вазирлиги руҳсат этган кимёвий моддалар: темир

гексацианоферроат III (калий ферроциамиди), стеаратлар, кальций карбонати, магний карбонати киради.

3.1.3. Туз таркибида қўшиладиган қўшимчаларнинг улуш миқдори 1% дан, темир гексацианоферроат қўшимчаси ишлатилганда эса бу миқдор $10^{-3}\%$ дан ошмаслиги лозим. Қўшимча қўшилган ош тузида намлик миқдори 1.0-0.02% дан ошмаслиги даркор.

3.2. Ош тузини йодлаш

3.2.1. Ош тузининг шифобахшлигини ошириш мақсадида тайёр туз таркибига айрим кимёвий бирималар қўшилади.

3.2.2. Қўшимчалар сифатида қуйидаги моддалар ишлатилади: йод (йодланган туз), фтор (фторланган туз), йод + фтор (йодланган-фторланган туз). Қўшимчалар кимёвий нуқтайи назардан тоза ва тегишли стандартлар талабига жавоб бериши лозим.

3.2.3. Ош тузини йодлашда йоднинг икки хил кимёвий бирикмаси ишлатилади: калийли йод (KI) ва калий йодати (KIO_3).

3.2.4. Ош тузини калийли йод билан йодлаш қуйидаги қоида- тартибларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

3.2.4.1. Тузни йодлаш технологияси туз таркибида йоднинг текис тарқалишини ва ҳар бир туз намунасига стандарт талабига жавоб берадиган йод миқдорини бўлишини таъминлаши лозим.

3.2.4.2. Тузни ўраб идишларга жойлаштириш жароёни туз таркибидаги йоднинг миқдорини олти ойгача давр ичида камаймаслигини кафолатлаши керак.

3.2.4.3. 1 тонна йодланган туз таркибида 25 г KI ушлаши даркор.

3.2.4.4. KI ни парчаланиб кетишини олдини олиш (стабиллаш) мақсидида 1 тонна тузга 250 г натрий тиосульфат (стабилизатор) қўшилади. "Экстра" навли ош тузини стабилизаторсиз чиқариш руҳсат этилади.

3.2.4.5. Туз таркибида KI ёки стабилизаторнинг миқдори $\pm 20\%$ даражада ўзгариши руҳсат этилади.

3.2.4.6. Тузнинг барча навларини, тортилиш (помол) №№0, 1 ва 2 ни йодлаш руҳсат этилади; тортилиш №3 ни йодлаш мумкин эмас.

3.2.4.7. Йодланган туз бироз йод ҳидига эга бўлиши мумкин. Барча навдаги тузнинг сувли эритмаси лакмусга нисбатан нейтрал ёки унга яқин ҳолатда бўлиши керак.

3.2.4.8. Туз таркибида йод миқдорини назорат этиб туриш мақсадида тузни ишлаб чиқариш жароёнида қадоқловчи машина бункеридан ҳар 30 минутда туз намуналари олинади ва уларда йод миқдори аниқлаб турилади.

3.2.4.9. Таркибига натрий тиосульфат аралаштирилган туз 120° дан ошқ ҳароратда қуритилмаслиги керак, акс ҳолда натрий тиосульфат парчаланиб, Na_2S моддаси ҳосил булади.

3.2.4.10. Йодланган ош тузи ёпиқ ва қуруқ омборларда, ёғоч стеллажларда сақланиши керак.

3.2.4.11. Кам даражада йод ушлаган йодланган тузни, сақлаш муддатининг қанчалик бўлишидан қатъий назар, бўқоқ касаллиги тарқалган ҳудудларда ишлатиш мумкин эмас. Бундай туздан техник мақсадлар учун ёки бўқоқ касаллиги тарқалган ҳудудларда оддий ош тузи сифатида фойдаланиш мумкин.

3.2.4.12. Ошиқча миқдорда йод ушлаган тузни жойлардаги Давлат санитария назорати ташкилотлари билан келишилган ҳолда ишлатишга руҳсат этилади.

3.2.4.13. Йодланган туз таркибида йоднинг қолдиқ миқдори $(23.0 \pm 11.5) \cdot 10^{-4}\%$, фторланган тузда фторнинг қолдиқ миқдори $(25.0 \pm 5.0) \cdot 10^{-3}\%$ бўлиши лозим. KI нинг стабилизатори сифатида қўлланувчи натрий тиосульфатнинг йодланган туздаги миқдори $(25.0 \pm 5.0) \cdot 10^{-3}\%$ га тенг бўлиши керак. Қўшимчалар қўшилган тузда намлик миқдори 1.0% дан ошмаслиги лозим.

3.2.4.14. Йодланган туз ишлаб чиқариш жароёнида тузнинг "Экстра" нави ишлатилмайди.

3.2.5. Ош тузини йодат калий (KIO_3) воситасида йодлаш халқаро миқёсда қабул қилинган хужжат - "Тузни оммавий йодлаш дастурининг мониторинги" (ЮНИСЕФ, РАМИ, ММ, ИССИД, ВОЗ) асосида уюштирилади.

МУНДАРИЖА

	Бетлар
Умумий мазмун	4-6
1. СИФАТ ВА ҲАВФСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ	7-13
1.1. Ош тузи турлари	7-7
1.2. Озуқавий (сифат, нав) кўрсаткичлар	7-10
1.3. Токсикологик кўрсаткичлар	10-12
1.4. Радиологик кўрсаткичлар	12-12
1.5. Ҳулоса ва таклифлар	13-13
2. ТУЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН САНИТАРИЯ ҚОИДА-ТАРТИБЛАРИ	13-33
2.1. Санитария қоидаларини қўллаш жабҳалари ва талаблари	13-13
2.2. Корхона саҳнига (территорияга) санитария тартиблари	14-15
2.3. Сув таъминоти ва канализация	16-17
2.4. Ёритишга санитария талаблари	17-18
2.5. Иситиш ва ҳаво алмашинувига (вентиляцияга) санитария талаблари	18-19
2.6. Ишлаб чиқариш хоналарига (бўлимларига) санитария талаблари	19-22

2.7.	Асбоб-ускуналарга санитария талаблари	22-23
2.8.	Технологик жароёнга санитария талаблари	23-25
2.9.	Тузни сақлаш ва ташишга санитария талаблари	25-28
2.10.	Маиший хоналарга санитария талаблари	28-29
2.11.	Қурт-қумирска ва кемирувчиларга қарши курашиш тадбирлари	29-30
2.12.	Ўқимларнинг шахсий гигиенасига талаблар	30-31
2.13.	Санитария қоидаларини амалга ошириш юзасидан маъмурият жавобгарлиги	31-33
3.	ОШ ТУЗИНИНГ СИФАТИ ВА ШИФОБАҲШЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР	33-35
3.1.	Ош тузинининг қотиб қолишини олдини олиш тадбирлари	33-33
3.2.	Ош тузини йодлаш	33-35

Отпечатано в НИИСГиПЗ МЗ РУз
700056, г.Ташкент, ул.Циолковского, 325
Объем 1.3 печ.л. Заказ №103. Тираж 300 экз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ МЕЪЁРЛАРИ ҚОИДАЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ (СанҚМ)



ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси
Бош давлат санитария врачлари,
Сотлиқни сақлаш Базири муовини
Б.И.Ниязматов

XII 2002 й.

ОШ ТУЗИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ САНИТАРИЯ ҚОИДА — ТАРТИБЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАР

СанҚМ № 0085-98 га №1 ўзгартириш

Республика аҳолиси орасида йод танқислиги ҳолати муаммоси мавжудлигини, барча туз ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўз маҳсулотларини калий йодат моддаси билан йодлаётганликларини, ош тузини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва озиқ-овқат маҳсулотларни тайёрлаш жараёнида ундаги йод миқдори 40 фоиз атрофида йўқолишини ҳамда Республика иқлимнинг нисбатан иссиқ ва қуруқ эканлигини инобатга олган ҳолда ош тузидаги йод миқдори қуйида кўрсатилган даражада бўлиши лозим.

Шу муносабат билан 1998 йил 5 ноябрда тасдиқланган 0085-98 рақамли «Ош тузининг сифати ва хавфсизлигини белгиловчи санитария қоида-тартиблари ва гигиеник нормативлар» ҳужжатидаги "3.2.4.3", "3.2.4.4", "3.2.4.5", "3.2.4.11", "3.2.4.14", "3.2.5" бандлар олиб ташланди, "3.2.3", "3.2.4", "3.2.4.2", "3.2.4.8", бандлар эса қуйида келтирилган матнда ифодаланди. "3.2.4.13" бандда келтирилган талаблар муҳимлиги ва аниқ ифодаланиши лозимлиги муносабати билан қўшимча "3.2.4.13а", "3.2.4.13б", "3.2.4.13в", "3.2.4.13г" бандларга ажратилган ҳолда баён қилинди:

- "3.2.3" Ош тузини йодлашда йоднинг икки хил кимёвий бирикмаси ишлатилади: калий йодид (KI) ва калий йодат (KIO_3).
- "3.2.4" Ош тузини калий йодид ва калий йодат билан йодлаш қуйидаги қоида-тартибларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиш лозим.
- "3.2.4.2" Ишлаб чиқарувчи корхона калий йодид билан йодланган ош тузи таркибидаги йоднинг миқдори 3 ой, калий йодат билан йодланган ош тузи таркибидаги йоднинг миқдори 1 йил давомида белгиланган меъёрдан камаимаслигини кафолатлаши лозим.

- "3.2.4.8" Тузни ишлаб чиқариш жараёнида қадоқловчи машина бункеридан ҳар 30 минутда туз намуналари олиниб йодланиш сифати томчи-индикатор ёрдамида назорат қилиниб турилиши лозим.
- "3.2.4.13" Йодланган ош тузи таркибида элемент ҳолидаги йоднинг миқдори $(40,0 \pm 15,0) \cdot 10^{-4}\%$, калий йодатга ҳисоб қилинганда, калий йодат миқдори $(67,5 \pm 25,3) \cdot 10^{-4}\%$, калий йодидга ҳисоб қилинганда эса, калий йодид миқдори $(52,3 \pm 19,6) \cdot 10^{-4}\%$ бўлиши лозим, фторланган тузда элемент ҳолидаги фтор миқдори $(25,0 \pm 5,0) \cdot 10^{-3}\%$ бўлиши лозим.
- "3.2.4.13а" Калий йодиднинг стабилизатори сифатида қўлланувчи натрий тиосульфатнинг йодланган туздаги миқдори $(25,0 \pm 5,0) \cdot 10^{-3}\%$ булиши керак.
- "3.2.4.13б" Туз ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарда ош тузини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнида унга қўшиладиган элемент ҳолидаги йод миқдори $40,0 \cdot 10^{-4}\%$ дан $55,0 \cdot 10^{-4}\%$ гача бўлиши лозим, калий йодатга ҳисоб қилинганда калий йодат миқдори $67,5 \cdot 10^{-4}\%$ дан $92,8 \cdot 10^{-4}\%$ гача булиши керак, калий йодидга ҳисоб қилинганда эса $52,3 \cdot 10^{-4}\%$ дан $71,9 \cdot 10^{-4}\%$ гача бўлиши лозим.
- "3.2.4.13в" Савдо шахобчаларида (дўконлар, бозорлар ва ҳ.к.) сотилаётган, умумий овқатланиш корхоналарида ишлатилаётган тузларда элемент ҳолидаги йод миқдори $(40,0 \pm 15,0) \cdot 10^{-4}\%$ бўлиши керак, калий йодатга ҳисоб қилинганда, калий йодат миқдори $(67,5 \pm 25,3) \cdot 10^{-4}\%$ бўлиши лозим, калий йодидга ҳисоб қилинганда эса, калий йодид миқдори $(52,3 \pm 19,6) \cdot 10^{-4}\%$ бўлиши керак.
- "3.2.4.13г" Қўшимчалар ($KI, Na_2S_2O_3 \cdot 5H_2O$, ёки KIO_3) қўшилган тузда намлик миқдори 1% дан ошмаслиги лозим.